

Халқ депутатлари Термиз туман Кенгаши котибияти фаолияти йўлга қўйилди

Халқ депутатлари Термиз туман Кенгашининг тегишли қарорлари билан Кенгаш котибияти мудири ва бош мутахассислари тайинланди.

Халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Алиханов Рўзиқул Адинович Кенгашнинг котибият мудири лавозимига тайинланди. Р.Алиханов бунга қадар "Маҳалла хайрия жамғармаси" туман бўлинмаси раҳбари лавозимида фаолият юритган.

Шунингдек, Авлиякулов Акмал Авазович ҳамда Азимов Мурод Махаммадкулович Кенгаш котибиятининг бош мутахассислари лавозимига тайинланди.

Кенгаш котибияти учун туман ҳокимлигига алоҳида хоналар ажратилиб, зарур техник воситалар билан таъминланди.